

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 77 (1676), 2026 йил 18 апрель, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРГА ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида шахматчимиз, Халқаро шахмат федерациясининг Номзодлар турнири ғолиби Жавоҳир Синдоровни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Шахматимиз тарихида биринчи мартаба Жавоҳир Синдоров Номзодлар турнирида ғалаба қозониб, том маънода тарихий натижага эришти.

Президентимиз маросимда сўзга чиқиб, Жавоҳир Синдоровни маъруз тарихий зафар билан яна бир бор самимий қутлади.

жумладан, шахматни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ СИНДОРОВ ЖАВОҲИР САНЖАРБЕКОВИЧНИ “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистон шон-шухратини халқаро миқёсда юксалтиришга қўшган улкан шахсий ҳиссаси, мамлакатимизда шахматни кенг оммалаштириш, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу спорт турини тарғиб этиш, навқирон авлод қалбида миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш борасидаги катта хизматлари, шунингдек, Кипрда ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси Номзодлар турнирида ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти ва

профессионал маҳоратини яққол намоеъ этиб, дунёнинг энг кучли гроссмейстерлари орасида рекорд натижалар кўрсатгани ва муддатидан олдин ғолибликни қўлга киритгани учун шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Синдоров Жавоҳир Санжарбекович “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотлансин.

Давлатимиз раҳбари ушбу юксак мукофотни тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шахри, 2026 йил 17 апрель



Учинчи Ренессанс бунёдкорлари

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ШАХМАТНИНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЁЗМОҚДА

Кипр мезбонлик қилган шахмат бўйича 2026 йилги Номзодлар турнири ўзбекистонлик гроссмейстер Жавоҳир Синдоров учун улкан муваффақият билан якунланди.

Давоми 3-бетда

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 апрель куни аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва сифатини ошириш, шунингдек, бу соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тақдимоти билан таништи.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя соҳасини янги bosқичга олиб чиқиш, эҳтиёжманд фуқароларга давлат кўмагини манзилли ва шаффоф тарзда етказиш, хизматларни рақамлаштириш ҳамда уларни проактив шаклда тақдим этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ёндашув асосида ишлайдиган, шахсни жамиятга мослаштиришга қаратилган марказлар сифатида фаолият юритади.

Тақдимотда руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Тақдимотда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган янги ташаббуслар ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, 2026 йил 1 июнга қадар 0-3 ёшда ривожланишида нуқсонлар аниқланган болалар учун илк бор “Эрта аралашув” хизмати bosқичма-bosқич жорий этилади.

Тақдимотда таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган янги механизмлар ҳам муҳокама қилинди.

Рухий ҳолатида бузилишлари мавжуд 1 ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам 2026 йил давомида bosқичма-bosқич янги ижтимоий хизматлар жорий этилади.

Болалик асосида малакага эга бўлган ва зарур талабларга жавоб берадиган нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилади.



ЖАВОҲИР

Темурбек наслдан шахзодадир ҳуб, Нихоҳини тождан олмас Жавоҳир. Бу дунёда ялтир-юлтур тошлар кўп, Энг тоза, энг ноёб олмас Жавоҳир!

Олтин авлод ичра ярқираган ганж, Ҳар юрш ортида неча захмат, ранж, Қалтис ўйин эрур бу кўҳна шатранж, Отга қамчи босар — толмас Жавоҳир.

Пишинаб, бир-бирдан ўзар рақиблар, У-чи, энг олдинда — тўзар рақиблар. Тузоқ қуриб, йўлин тўсар рақиблар, Чалгимас, йўлидан қолмас Жавоҳир.

Олисни кўзлаган фарзин, фили бор, Рухи тож ошлаган — тўзар феъл бор, Пиёдалар — қалқон бўлган эли бор, Бехуда қирзинга солмас Жавоҳир.

Ортда тоғдай турар донишманд шоҳи, Ҳар сипоҳ ҳолини билгич — огоҳи. Қўллар юрт сарвари, давлатпаноҳи — Эъзоз ардоқдан лол, маст Жавоҳир!

Шу буюк миллатнинг арзандаси у, Элининг кулган бахти, шўҳ хандаси у, Ўзбек зақосининг ғолиб саси у, Тафаккур тахтидан тонмас Жавоҳир!

Ватан тугин баланд тутавер, ўғлон, Тилла тож сенчи — ўтавер, ўғлон! Тўхтама, ютавер, ютавер, ўғлон, Халқим ғалабанга қонмас, Жавоҳир!

Нодир ЖОНУЗОҚ

Тақдимотда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган янги ташаббуслар ҳам муҳокама қилинди.

Тақдимотда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган янги ташаббуслар ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, 2026 йил 1 июнга қадар 0-3 ёшда ривожланишида нуқсонлар аниқланган болалар учун илк бор “Эрта аралашув” хизмати bosқичма-bosқич жорий этилади.

Тақдимотда таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган янги механизмлар ҳам муҳокама қилинди.

Рухий ҳолатида бузилишлари мавжуд 1 ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам 2026 йил давомида bosқичма-bosқич янги ижтимоий хизматлар жорий этилади.

Болалик асосида малакага эга бўлган ва зарур талабларга жавоб берадиган нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилади.

Рухий ҳолатида бузилишлари мавжуд 1 ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам 2026 йил давомида bosқичма-bosқич янги ижтимоий хизматлар жорий этилади.

Болалик асосида малакага эга бўлган ва зарур талабларга жавоб берадиган нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилади.

Шу билан бирга, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб 18 ёшдан катта чуқур даражадаги аклий заифлик ташхиси қўйилган шахсларнинг парвариши билан банд бўлган қонуний вақтлар учун ҳар ойлик янги парваришлар нафақаси жорий этилади.

Шунингдек, руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд шахсларга тайинланган вазифаларнинг мажбуриятларининг бажарилиши, ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, мол-мулкнинг муҳофазаси, уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатлари мунтазам мониторинг қилиб борилади.

Интернет муассасаларини трансформация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таклифларга кўра, “Мурувват” интернет уйлари bosқичма-bosқич “Ғамхўрлик” марказларига айлантирилади.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимоя соҳасидаги янги механизм ва таклифларни маъқуллаб, тегишли қонун ҳужжатларини имзолади.

ЎЗА



Орол ва ҳаёт

МОСЛАШИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНИШНИНГ НОЁБ ТАБИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИ 4



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Муносабат

ВАТАНИМИЗНИ ЧИН ДИЛДАН СЕВАЙЛИК!

Ўттиз йилдан ошибдики, санъат соҳасиданман. Айниқса, театр ҳаётим мазмунига айланган. Ҳар йили 27 март – Халқаро театр кунидан бир олам қувончга тўламан. Шу соҳани, машаққатли бўлса-да, шарафли йўлни танлаб тўғри қилганимни қайта англайман. 2022 йилдан бошлаб эса биз, санъат вакиллари қўшалок байрамни нишонлайдиган бўлдик. 15 апрель санаси чинакам касб байрамининг сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

“Касб байрамнинг муборак!” деган табирилар шу кунга қадар тинмайди. Бундай эътибордан киши руҳан ва қалбдан ўсиб, тетиклашиб кетади. Ҳамкасбларим билан биргаликда санъатга алоҳида эътибор қаратаётган, касбимизни эл ичидан улуғлаб қўйган давлатимиз раҳбарига ташаккурлар айтаман. Бор кучимиз билан шу элнинг қорига яраш йўлидаги аҳдими эса янада қатъийлашади.



Лола ЭЛТОЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Янги Ўзбекистонда миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, тарихий хотирани тиклаш ҳамда ёш авлод қалбидан ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда театр санъатининг ўрни гоҳат муҳим. У аҳолининг маданий эҳтиёжини қондириши, томошабинга қайсидаир маънода ўз таъсирини ўтказа олиши керак. Шу маънода, бу санъат вакиллариининг вазифаси осон эмас.

Зеро, театр саҳнаси — ҳаётимиз кўзгуси. Унда инсон тақдир, жамият муаммолари, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш, шунингдек, муҳаббат ва вафо, садоқат ва адолат каби умуминсоний қадриятлар акс этади. Қувонарлиси шундаки, бугунги кунда театр санъатининг янгиланаётган маданий ҳодиса сифатида халқимиз ҳаёти ва турмуш тарзидаги мавқеи ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, анъанавий театр ҳафталигида бунга яна бир амин бўлаймиз. Катта, тарихий асарлар намойишига турнақатор навбатлар пайдо бўлаётгани бизга куч беради. Миннатдорлик билдириш мақсадида спектаклдан сўнг бизни кутиб турадиган мухлислар сони ортапти. Бу ҳам энг катта ютуғимиздир.

Одамларнинг театрга қайтишида, унинг қадр-қимматини ҳеч нарсага тенглаб

бўлмамлигини англаб етаётганида амалга оширилаётган ислохотлар ва эзгу саз-ҳаракатларнинг ўрни жуда катта. Маданият ва санъат алоҳида қадрланаётгани учун ҳам биз — санъаткорлар қатор ютуқларга сазовор бўляпмиз. Халқаро ТУРКСОЙ ташкилотининг “Энг яхши театр актрисаси” номинацияси бўйича халқаро мукофотиغا эришганимда ҳам буни алоҳида эътироф эдим. Чиндан, бу Ўзбекистоннинг, жонажон халқимизнинг ютуғидир. Шундай экан, нега ёниб хизмат қилмайлик, нега ватанимизни чин дилдан севайлик?! Нега юртимиз номини дунёга кенг ёйдиган, шарафини улуғлайдиган ёш авлодга бор тажрибамиз ва билимимизни ўргатмайлик?! Иқтидорларимиз, санъатимизнинг умидли вакиллари жуда кўп. Улар тинч ва фаровон, жаннатноманд юртда ўз орзулари рўёби сари дидил қадам ташламоқда. Уларни ҳавас қилган соҳа вакиллариининг ортидан эргашмоқда. Буларнинг барча-барчаси кўрсатилаётган эътибор ва эътироф натижасидир. Қолаверса, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон жамиятда ўз ўрнига эга эканини амалда кўраётганининг яққол ифодасидир.



ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИ

800 миллион АҚШ доллари қийматидаги инвестиция лойиҳалари бошланади ва 350 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади

Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилда устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастури ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармонида 2026 йилда аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш, энг кўп учрайдиган касалликларни барвақт аниқлаш ва улар билан касалланишни кескин камайтириш, шунингдек, рақамли технологиялар жорий этилган тиббиёт муассасалари улушини ошириш борасида қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, хусусан, тиббий маданиятни ошириш, соғлом овқатланиш, кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш, онлави поликлиникалар, онлави шифокорлик пунктлари ва маҳалла тиббиёт пунктларида бирлашчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишининг самарали тизимини жорий этиш шулар жумласидан.

Ўз навбатида, аҳолини сифатли, хавфсиз ва ҳар томонлама қафолатланган дори-дармон билан таъминлаш ҳам мазкур вазифаларни изчил амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, фармацевтика инсон саломатлиги ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ стратегик соҳа. Шу боис, сўнгги йилларда юртимизда ушбу соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, ўтган тўққиз йилда тармоққа 1 миллиард 800 миллион доллар инвестиция киритилиб, 140 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Айни пайтда мамлакатимизда 300 дан ортқ фармацевтика корхонаси фаолият юритмоқда, уларнинг 58 таси тўғридан тўғри дори-дармон ишлаб чиқаради. Бироқ бу кўрсаткичлар мавжуд салоҳият ва имкониятга мос эмас. Айни мақсадда 2027 йил 5 март кунини давлатимиз раҳбари раислигида фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда соҳага илгор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида атрофилик муҳокама қилиниб, вазифалар белгилаб берилди.

Тадқиқот жараёнини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Хужжат бугун тобора тармоқлари кенгайиб, талаб кучаяётган фармацевтика соҳасини жадал ривожлантириш, соҳага жалб этилаётган инвестиция ва экспорт ҳажмининг ошириш ҳамда энг муҳими, аҳолини сифатли, хавфсизлиги ва самарадорлиги қафолатланган дори-дармон билан таъминлашга хизмат қилиши аҳамиятли.

Жорий йил якунига қадар соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 8,5 триллион сўмга етказилади, қиймати 1 миллиард АҚШ доллари бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари шакллантирилади. Шунингдек, 800 миллион АҚШ доллари қийматидаги янги инвестиция лойиҳалари бошланади ва 350 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Фармон билан тармоқ корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида катта миқдордаги молиявий ресурслар йўналтирилиб, ташкилий-ҳуқуқий механизмлар такомиллашмоқда. Хусусан, 1 йил ичидан мазкур янги турдаги дори-дармон ишлаб чиқаришини

йўлга қўйган ишлаб чиқарувчиларга “технологиялар трансфери” харажатларининг 50 фоизи Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Шу билан бирга, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 80 миллион доллар миқдоридан маблағ тижорат банклари томонидан асбоб-ускуналар ва хомашё сотиб олиш учун кредитлар ажратишга йўналтирилади. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда дори-дармон ва тиббий буюмлар бозори ҳажми қарийб 2,5 миллиард долларга етган. Улар орасида биологик фаол қўшимчаларга талаб йил сайин ошиб бормоқда.

Айни мақсадда 2027 йил 1 январдан бошлаб “GMP” миллий сертификатига эга корхоналарнинг ишлаб чиқариш линияларида биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқаришга рухсат берилди.

Хужжат талаблари асосида 2026 йил 1 июндан бошлаб ишлаб чиқарувчиларга EU GMP ва US FDA GMP расмий сертификатларни жорий қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, илмий-тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари томонидан яратилган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга эса ушбу маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш ва клиник синов харажатларининг 80 фоизи Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Шунингдек, юқори технологияли дори-дармон ишлаб чиқаришга қаратилган янги инвестиция лойиҳаларини 3 йил муддатда фойдаланишга топширган тадбиркорларга 2 йил муддатга жалб қилинган кредитлар

“Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 80 миллион доллар миқдоридан маблағ тижорат банклари томонидан асбоб-ускуналар ва хомашё сотиб олиш учун кредитлар ажратишга йўналтирилади.”

бўйича кредит фойз харажатларининг бир қисми Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида давлат жамғармасидан компенсация қилинади.

Фармонга мувофиқ, 2026 йил 1 июндан бошлаб фармацевтика корхоналарига солиқлар ва йиғимлардан қарздорлиги бўлган тақдирда ҳам давлат харидларида иштирок этишга, шунингдек, 2026 йил 1 сентябрга қадар ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳаллий маҳсулотларини маҳаллийлаштириш даражасидан қатъи назар, электрон савдо платформаларида реализация қилинишига рухсат берилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан республикада 136 гектар майдонда 5 та фармацевтика саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, улар учун барча зарур инфра-тузилма яратилган. Бироқ айрим ҳудудларда ушбу имкониятлардан самарали фойдаланилмапти.

Жумладан, 25 гектар майдонни эгаллаган Жиззах фармацевтика зонасида ўтган йили бир сўмлик ҳам маҳсулот ишлаб чиқарилмаган. Бўстонлик туманидаги 14 гектар ер майдони эса 2017 йилдан буён бўш турибди. Шунингдек, ўтган йили Жиззах ва Самарқанд вилоятларида бирорта ҳам фармацевтика лойиҳаси ишга туширилмаган.

Мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида фармон билан эндиликда тадбиркорлик субъектлари 2040 йилга қадар инвестиция лойиҳалари бошланган санадан эътиборан 3 йил муддатга ер солиғи, кўчмас мулк объектлари бўйича мол-мулк ва фойда солиғидан озод этилмоқда.

Шунингдек, норезидентлар учун технологиялар трансфери ва бренд номи учун олинмаган фойда солиғи ставкаси 2030 йил 1 январга қадар 5 фоиз миқдорда белгиланади.

Фармонда косметология ва биофаол қўшимчалар ишлаб чиқарувчиларга эътибор қаратилган. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб биологик фаол қўшимча ва косметика востиларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга берилган божхона имтиёзлари татбиқ этилади.

Яна бир муҳим жиҳат — илм ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон кимё-фармацевтика, Тошкент вакцина ва зардолбо, “Шарқ табобати” илмий-тадқиқот институтлари негизда Миллий биофармацевтика илмий-тадқиқот институти ташкил этилади.

2026-2027 ўқув йилидан бошлаб Абу Али ибн Сино номидаги иختисослаштирилган мактабда Фармацевтика техник университети билан ўзаро интеграцияланган ўқув дастурлари жорий қилинади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур фармон, аввало, аҳолини сифатли ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашга, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар мустаҳкам оёққа туриб олишига, илмий ишлаб чиқаришга айлантириш орқали экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хужжатда бу занжирни ташкил этувчи барча шароит, имконият ва имтиёзлар акс этган.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Орамиздаги одамлар

Тонг отади. Шаҳар уйғонади. Кўчаларда туннинг сукунати секин-аста кундузнинг шовқинига ўрин бўшатмоқда. Кимдир ишга шошади, кимдир фарзандини мактабга кузатади. Яна кимдир янги кун режаларини хаёлан тартибга солади. Ҳар бир хонадонда ҳаёт ўз мароми билан бошланади: ошхонада чай қайнайдди, чироклар ёниб туради, хонадон иссиқ, сув жилдираб оқмоқда. Лифт эшиклари очилиб-ёпилади. Одамлар ўз манзилга ошиқади. Бу — кундалик, оддий ва одатий манзара.

Бироқ айнан шу оддийлик ортида кўпчилик ўйлаб ҳам кўрмайдиган, аммо ҳаётнинг ўзи каби зарур бир ҳақиқат яширин: қўлайлик, фаровонлик, инсон учун яратилган муносиб шароит. Биз кўпинча бу неъматларни табиий ҳол, ўз-ўзидан мавжуддек қабул қиламиз. Гўё иссиқ уй, тоза сув, ёруғлик ва бошқа имкониятлар доимий ва ўзгармасдек туюлади. Аслида, бу қўлайликлар жамият тараққиётининг энг муҳим белгиси, давлат сиёсати самарадорлигининг аниқ кўриниши ва минглаб фидойи инсонларнинг куну тун қилган меҳнати натижасидир.

Ёниб турган ҳар бир чирок ортида электр тармоқларини назорат қилаётган мутахассислар, оқётган ҳар томчи сув ортида мураккаб инфратузилмани бошқараётган муҳандислар, иссиқ ҳар бир хонадон ортида совуққа чидаб ишлаётган иссиқлик тизими ходимлари турибди. Улар кўпинча кўзга кўринмайди, номи тилга олинмайди, аммо уларнинг меҳнатисиз бу оддий манзаранинг ўзи мавжуд бўлолмас эди.

Кундалик қўлайлик шунчаки маънавий ҳол эмас, балки тараққиёт даражасини белгилайдиган муҳим мезон. Зеро, одам ўзини қай даражада эркин, хавфсиз ва барқарор ҳис қилса, келажакка ишончи ҳам шунчаллик мустаҳкам бўлади.

Айнан шу оддий, бир қарашда сезилмас қўлайликлар бугунги янги Ўзбекистон тараққиётида устувор аҳамият касб этаётганини англаш қийин эмас. Зеро, инсоннинг кундалик ҳаётини енгилаштириш, муносиб шароитларда яшашини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан. Шу маънода, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар ушбу ҳаётнинг эҳтиёжлардан келиб чиқади ва уларни тизимли ҳал этишга қаратилган.



Сўнгги йилларда соҳада мутлақо янгича бошқарув модели шаклланди. Йилга кўпгаб муаммолар билан ёниб-ён тилга олинмаган уй-жой фондини сақлаш ва хизмат кўрсатиш тизими бугун босқичма-босқич самарали ва жавабгар механизмга айланиб бормоқда. Хусусан, илгор хорижий тажрибалар асосида ташкил этилган бошқарув сервис компаниялари бу жараёнда ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Бугун мамлакатимиздаги 45 мингта кўп қаватли уйнинг 90 фоиздан ортигига ана шундай ташкилотлар хизмат кўрсатаётгани, аввало, тартиб ва масъулият муҳити шаклланиётганидан далолат беради.

Бу ўзгаришлар шунчаки ташкилий ислохот эмас, балки инсон ҳаётида бевосита сезилаётган янгиланидир. Сўнгги 9 йилда 3 триллион 700 миллиард сўм ҳисобидан қарийб 51 мингта уй таъмирлангани, 3500 та лифт янгилангани минглаб оилаларнинг турмуш тарзи яхшиланиши, хавфсизлик ва қўлайлик даражаси ошишига хизмат қилди. Айниқса, кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли учун лифт муаммосининг ҳал этилиши ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, кексалар ва имконияти чекланган шахслар учун катта энгиллик яратди.

Коммунал соҳадаги ислохотларнинг стратегик аҳамиятга эга яна бир йўналиши рақамлаштириш жараёнининг жадал ва тизимли жорий этилаётганидир. Чунки замонавий бошқарув тизимини шифофлик, тезкорлик ва ҳисобдорликни таъминламай туриб, самарадорликка эришиш мумкин эмас. Шу боис, коммунал хизматлар соҳасида рақамли технологияларнинг кенг қўлланиши бугун

тизимнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилолмоқда.

Хусусан, “Менинг уйим” билнинг тизими жорий этилиши билан мамлакатимизда кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни тубдан янгиланди. Ушбу тизим орқали қарийб 42 мингта кўп қаватли уй ва 1 миллион 500 мингдан ортқ мулкдор ағона электрон базага киритилди. Бу статистик ҳисоб-китоблар шифофлигини билан бир қаторда ҳар бир хонадон кесимида аниқлик ва назоратни таъминлаш имконини берди.

Энди аҳоли коммунал хизматлар билан боғлиқ барча жараёни — сарфланган ресурслар, бажарилган ишлар, ҳисоб-китоблар ва

хизмат сифати кўрсаткичларини бевосита кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш имкониятига эга бўлди. Бу ҳолат фуқароларнинг фаол иштирокчини таъминлаб, уларни тизимнинг оддий истемволчиси эмас, балки назоратчиси ва баҳоловчиси сифатида шакллантирмоқда.

Натижада хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятида масъулият ҳисси кучайиб, рақобат ва сифатга интилиш ортмоқда. Коммунал соҳадаги ислохотларнинг яна бир муҳим йўналиши инфратузилмани модернизация қилиш ва кенг қўламли ривожлантиришдир. Бу борада қилинган ишлар мамлакатимиз аҳолисининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 3400 та ичимлик ва оқова сув иншоотининг



барпо этилиши ҳамда қайта таъмирланиши, шунингдек, 42 минг километрдан ортқ сув таъминоти тармоқларининг янгиланиши тизимнинг техник имкониятларини сезиларли даражада оширди.

Энг муҳими, ушбу амалий ишлар натижасида аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан бугун қарийб 83 фоизга етди. Бу рақамлар ортида миллионлаб инсонларнинг ҳаёти сифати ошгани, соғлиқни сақлаш ва санитария шароити сезиларли даражада мустаҳкамлангани, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратилгани муҳасса.

Марказлашган инфратузилмани кенгайтириш кундалик турмушдаги қўлайликларни ошириш баробарида ижтимоий адолат таъминини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Чунки тоза ичимлик сув ва сифатли коммунал хизматлар ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечирishi ҳуқуқининг амалий ифодасидир.

Иссиқлик таъминоти соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар қилинди. Қарийб 100 та қозонхона ва 1276 километрлик иссиқлик тармоғининг таъмирланиши, модернизация қилиниши натижасида минглаб хонадонлар ҳамда ижтимоий объектлар барқарор иссиқлик манбаи билан таъминлангани киши мавсумида аҳолининг ҳаёти сифатига сезиларли таъсир кўрсатиб, кундалик турмушдаги қийинчиликларини камайтиришга хизмат қилолмоқда.

Албатта, бу натижа билан чекланилмапти. Хусусан, 2030 йилгача аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражасини 90 фоизга етказиш, иссиқлик таъминоти қамровини 58 фоизга олиб чиқиш каби аниқ мақсадлар белгилаб олинган. Бу йилда янги қозонхоналар қуриш, минглаб километр иссиқлик тармоқларини тортиш ва реконструкция қилиш, давлат-хусусий шериклик асосида янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Яна бир жиҳатни унутмаслик керак: инсон кўпинча хатта ўзгаришларни орзу қилади, аммо юксалиш кичик, кундалик қўлайликлардан бошланади. Чирокнинг ўчмаслиги, сувнинг узиламаслиги, иссиқликнинг барқарорлиги — тараққиётнинг энг асосий белгилари. Ана шу кичик-кичик қўлайликлар йиғилиб, умумий фаровонликни шакллантиради.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Учинчи Ренессанс бунёдкорлари

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ШАХМАТНИНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЁЗМОҚДА



Бошланиши 1-бегда

Татқиллаш керакки, Жавоҳир ушбу турнирда қатнашган илк ўзбекистонлик шахматчи бўлиб, мамлакатимизнинг маъруз спорт туридаги қудрати ва салоҳияти нақадар юқори эканини амалда исботлаб қўйди. Мусобақа тарихида ҳали кузатилмаган оламшумул кўрсаткич — 14 имкониятдан 10 очко жамғариб, олти галабали партия билан турнирни мағлубиятсиз тугатди. Буларнинг барчаси маъруз мусобақа учун рекорд саналади.

16 апрель куни Кипрнинг Пейя шаҳарчасида жойлашган “St. George’s Hotel & Resort” мажмуасида голиб ва совриндорларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар Жавоҳир Синдоров мисолида Ўзбекистонда спортта қаратилаётган эътиборни юқсак баҳолаб, ўз ҳава ва ҳурматларини изҳор қилди. Ўзбекистон вакили шоҳсулғана кўтарилар экан, унинг қўлга киритган юқсак натижалари алоҳида тила олинди. Жавоҳир Синдоровга номзодлар турнирининг бош совринини шахмат афсоналаридан бири, беш қарра жаҳон чемпиони ҳиндистонлик Вишванатан Ананд топширди. Голиб спортчимиз шарафига байроғимиз сарбаланд бўлиб, мадҳиямиз баралла жаранглади.

Чемпионни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Президентининг спортта, хусусан, шахматга эътибори юқори баҳоланди. Ундаги кулминацион нуқта давлатимиз раҳбарининг Жавоҳир Синдоров билан телефон орқали мулоқоти видеолангана намойиш этилиши бўлди. Ушбу лаҳзаларни барча катта ҳаяжон билан кузатди. Президентимизнинг “Мени фақат хурсанд қилиб юрбисан. Бутун халқимиз дуода эди, мана шу дуоларни ижобат бўлди. Юртимизнинг куч-қудратини, ёшлар нимага қодир эканини, Учинчи Ренессанс пойдевори Ўзбекистонда бўлишини бутун



дунёга тараннум эдинг. Мана шу Учинчи Ренессанс бунёдкорларининг шажоғини аққол кўрсатди ва дунёга намойиш этдинг”, деган сўзлари инглиз тилидаги видеоэсубитр орқали бош экранга чиқарилди. Шундан сўнг мусобақа чемпиони Жавоҳир Синдоров сўз олиб, уни қўллаб-қувватлаган барчага, давлатимиз раҳбарига, устозлари ва оила аъзоларига миннатдорлик билдирди. Маъруз турнир унинг ҳаётидаги энг эса қоларли мусобақа бўлганини эътироф этди.

Кунги кеча голиб шахматчимиз ўз жамоаси билан бирга юртимизга қайтиб келди. Пойтахтимизда “Хумо” халқаро аэропортида Жавоҳир Синдоров ҳукумат расмийлари, оила аъзолари ва устозлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида катта тантана билан кутиб олинди.

Бу ерда жам бўлганларнинг юз-кўзидаги ифтихор, фахр ва мамнуниятни ҳис қилиш қийин эмасди. Кутиш залида мана шундай меҳри қаралардан бири билан юзлашди: чемпионнинг бувиси Жамила Синдорова ўз ҳиссиётларини биз билан ўртоқлашди. “Биз турнирда Жавоҳирнинг муваффақият қозонишига чин дилдан ишонгандик. Убу йўлда қанчалик қаттиқ меҳнат қилганига ўзим гувоҳман. Туёғуларини сўз билан ифода қилиш қийин. Лекин ҳазир бошқа бир ҳафтага диққат қаратмоқчиман. Англадимки, Жавоҳир нафақат мененг, балки бутун халқимизнинг фарзанди экан. Уларнинг дуолари, қўллаб-қувватлаши, хайрихоҳлигини кўриб шундай ҳулосага келдим. Жавоҳирнинг ўзи ҳам буни ҳис этиб тургани ва ватанимиз, она халқимиз меҳрини оқлаш учун ҳаракатдан тўхтамаслигига ишончим комил”, дейди Жамила опа.

Аслидин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон қадимдан илм-фан, маданият ва интеллектуал ўйинлар ривожланган замин сифатида дунёга машҳур. Ана шундай бой мерослардан бири шахматдир. У нафақат ўйин, балки инсон ақлини чархловчи, сабр-тоқат ва стратегик тафаккурни ривожлантирувчи спорт тури. Мамлакатимизда шахматга қизиқиш анча юқори, айниқса, ёшлар ўртасида. Умумтаълим муассасалари, спорт мактаблари ва клубларда шахмат тўғрисида фаолият юритилмоқда. Бу эса келажакда янги чемпионлар етишиб чиқишига хизмат қилади.

ХАЛҚИМИЗ ТИЙНАТИДА МУЗАФФАРЛИК МУЖАССАМ ШАХМАТ ТОЖИНИ ОЛИБ КЕЛИШГА ҚОДИР ОЛТИН АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

Бутун ўзбек шахматчилари қатнашадиган ҳар қандай катта-кичик халқаро мусобақада ким галаба қозонишини тахмин қилувчилар қийналмайди — зафар ёки совринли ўрин эгаси, албатта, юртимиз вакиллари орасидан чиқяпти. Умуман, мамлакатимиз спортда эришилётган натижалар ҳақида гапирганда мутахассис ва мураббийлар шошиб қолаётгани ҳам бор гап. Зеро, бутун ўзбек боксчилари дунёдаги кучли рақибларнинг оёғини қалтирата бошлаганига анча бўлди. Қолаверса, энди яққақураш, футбол ва бошқа қўллаб спорт турларида ҳам рақибларимиз анча ўйлаб, бахса қилишига мажбур.

Бойси, сўнгги йилларда юртимизда спорт соҳасидаги ислохотлар ҳам аж паллага кирди. Президентимиз ташаббуси ва давлат дастурларида белгиланган мақсадли йўналишлар орқали спорт нафақат соғлом турмуш тарзини қарор топтирадиган, балки мамлакатимиз нуфузини халқаро майдонларда юксалтирадиган асосий воясига айланди.

Соҳада қилинётган ишлар ёшларнинг тарбияси, жисмоний ва маънавий қамолотини таъминлашда улкан аҳамият касб этмоқда. Ислохотлар жараёнида асосий эътибор “Соғлом авлод — соғлом келажак” тамойилига қаратилган. Зеро, кучли давлат қуришининг, жамиятда маънавий ва интеллектуал юксалишига эришишнинг пойдевори соғлом ва баркамол авлоддир.

Шу бойси, юртимизда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, оммавий спортнинг кенг тарғиб қилишига катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2024 йиллардаги ислохотлар жараёнида спортни ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спортга қизиқишини оширди ва қисқа муддатда самара бера бошлади.

2024 йили Парижда ўтказилган олимпия ва паралимпия ўйинларида спортчиларимиз чинакам жасорат кўрсатиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади. Ушбу зафарли юришнинг давоми сифатида ўтган йили ёшларимиз жаҳон универсиадада 13-ўринга, Баҳрайнда ўтказилган Ёшлар ўйинлари ва Саудия Арабистонидаги Ислоҳ бирдамлиги мусобақаларида 2-ўринга муносиб кўрилди. Уғил-қизларимизнинг жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинларида 50 дан ортиқ рекорд натижага эришгани юртимизнинг халқаро олимпия ҳаракатидаги ўрни ва нуфузини аққол кўрсатиб турибди.

Эътиборга молик яна бир жиҳат: Президентимизнинг 2025 йил 8 июлдаги қарорига биноан, Ўзбекистон спортчиларининг 2028 йилги олимпия ва паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури қабул қилинди. Жараёни тизимли ташкил этиш мақсадида Миллий олимпия қўмитасининг 14 та худудий бўлими ташкил этилди. Қоракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари олимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Президентининг маъруз вакили этиб белгиланди. Ҳар бир худудга Спорт вазирлиги ва Олимпия қўмитасидан масъуллар бириктирилди.

Асосий вазифа юқори натижаларга эришиш учун доимий ва мустаҳкам замин яратишдир. Шу мақсадда иқтидорли спортчиларни энг қуйи бунгад бошлаб саралаш ва профессионал этиб тайёрлаш учун уч босқичли “Янги Ўзбекистон олимпия чўққилари” мусобақаси йўлга қўйилди. Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида Президент олимпиадаси сифатида ўтказилади. Голиб ва совриндор спортчилар Олимпия марказларига жалб этилиб, профессионал тайёргарлик босқичига киришади.

Футбол бўйича олимпия жамоамиз Париж-2024 олимпиадасида биринчи марта иштирок этди. Тарихимизда илк бор миллий терма жамоамиз учун мамлакат — АҚШ,



ХАЛҚИМИЗ ТИЙНАТИДА МУЗАФФАРЛИК МУЖАССАМ ШАХМАТ ТОЖИНИ ОЛИБ КЕЛИШГА ҚОДИР ОЛТИН АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

Канада ва Мексика яшил майдонларида ўтадиган жаҳон чемпионати йўлнамасини қўлга киритди. Ўзбекистон ўсмирлар (U17) терма жамоаси мураккаб, машаққатли ва матагонли йўлни босиб ўтиб, ўз тарихида учинчи марта Осиё чемпионати финалига чиқди ва қаҳрамонларча галаба қозонди. Улар Қатарда ўтган жаҳон биринчилигида ҳам Осиё чемпиони сифатида мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилди, номдор жамоалардан нафақат қолишмаслигини, балки устун ҳам эканини исботлади.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда эса спортчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, уларнинг тайёргарлигини халқаро мезонлар асосида ташкил этишнинг аҳамияти нақадар муҳим экани намён бўлмоқда.

Ўшанда Президентимиз маросимда нутқини тўхтатиб, қувончи янгилик — юрдошимизнинг галабасини эълон қилиб, чемпионни қутлаган эди.

Ушбу буюк галаба билан чин дилдан табриқлайман. Сен ўзбек ўғлони, янги Ўзбекистон фарзанди нималарга қодир эканини дунёга кўрсата олдинг. Сендек фарзандим борлиги билан фахрландим, халқимиз фахратини муносиб ҳимоя қилди, номдор жамоалардан нафақат қолишмаслигини, балки устун ҳам эканини исботлади.

Ўз навбатида, Жавоҳир Синдоров бу галаба келгусидаги янада улкан зафарларнинг бошланиши эканига умид билдириб, жаҳон шахмат тожини Ватанимизга олиб келишга ваъда берди. Яратилган имконият



Ўзбекистонлик ёш гроссмейстер амалдаги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Гукеш Доммаражу билан шахмат тожи учун баҳслашади. Шахмат тахтаси узра кечадиган бу “жанг” 2026 йил охирида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Table with 10 columns: Players, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, Points, Place. Rows include Javokhir Sindarov, Matthias Blübaum, Praggnanandhaa R, Fabiano Caruana, Hikaru Nakamura.

Яна шахматга қайтсак. Ёдингизда бўлса, ўтган йили давлатимиз раҳбари Президент Олимпиадаси мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида нутқ сўзлаётган паллада дунё узра бир хушхабар тарқалди: “Ўзбек ўғлони Жавоҳир Синдоров шахмат бўйича жаҳон кубогини гўлиб қўйди!”

Жавоҳир Синдоров шу пайтгача FIDE жаҳон кубогини ютган энг ёш (19 ёш) чемпион бўлиб тарихга кирди! Ҳиндистоннинг Гоа шаҳри мезбонлик қилган FIDE жаҳон кубогини-2025 голибиги Жавоҳирга айин пайтда Кипрда бўлиб ўтган номзодлар турнирида иштирок этиш учун расмий йўланмани ҳам тақдим қилди.

ва қўрсатилаётган эътибор учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

Жавоҳир катта иштиёқ билан ваъдасини бажаришга киришган кўринади. Бутун ўзбек ўғлони ушбу тож учун амалдаги жаҳон чемпиони билан яққама-яққа баҳса қилишига ҳозир. Бундай имкониятга эга чиқиш учун эса ўта мураккаб, оғир синовлардан ўтиб келмоқда. Халқаро гроссмейстер, жаҳон кубогини соҳибни Жавоҳир Синдоров ушбу йўлдаги охириги, энг қийин босқич — 2026 йилги Номзодлар турнирида муваффақият олдани голибликка эришиб, амалдаги шахмат тожи эгаси ҳиндистонлик Гукеш Доммаражу билан дона суриш имкониятини қўлга киритди.

Мусобақа якунига бир тур қолганида асосий таъкибчиси — нидерландиялик гроссмейстер Аниш Гири билан мураккаб қарам-қаршиликда дуранг натижа қайд этди ҳамда 13 имкониятдан 9,5 очко жамғарди. Кипр мезбонлигида ўтган бу галги турнир ўта юқори рақобат, кескин интеллектуал кураш ва тарихий натижалар билан ёдда қолди. Мусобақа дунё рейтингидagi энг кучли 8 гроссмейстерни бир майдонда жамлади. Ҳамюртимиз, жумладан, Аниш Гири, Фабиано Каруана, Хиқару Накамура, Рамешбабу Праггнанандха каби кучли гроссмейстерларга қарши ишончли ўйнаб, турнир тарихида кузатилмаган ноёб ҳолат — олти галабали партия билан рекорд натижа қайд этди.

Шу тариқа у Номзодлар турнирида голиб чиққан Ўзбекистонлик илк шахматчи сифатида тарихга кирди. Унгача фақат 2004 йили FIDE бўйича (эски форматда) жаҳон чемпиони бўлган Рустам Қосимжонов бундай катта ютуққа эришган эди. Энди Ўзбекистонлик ёш гроссмейстер амалдаги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Гукеш Доммаражу билан шахмат тожи учун баҳслашади. Шахмат тахтаси узра кечадиган бу “жанг” 2026 йил охирида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Кипрдаги галабадан сўнг Жавоҳир фикрлари билан ўртоқлашди. Ёш шахматчи турнир давомида Ўзбекистондаги муҳлисларнинг меҳри ва эътиборини доим сезиб турганини таъкидлади:

— Кеча оилавий мулоқот гуруҳимизга Тошкент кўчаларидаги мониторларда акс этган суратимни юборишганида кўриб хайрон қолдим. Бутун Ўзбекистон турнирни кузатаётганини ўшанда янада чуқур ҳис қилдим. Ҳар бир турда бу қўллаб-қувватловни сезиб турдим. Бунинг учун барчага раҳмат айтаман, — деди музаффар шахматчимиз.

Президентимиз 15 апрель куни Жавоҳир Синдоров билан телефон орқали мулоқот қилди ва ёш гроссмейстеримизни Ўзбекистон шахмат тарихида биринчи марта маъруз нуфузли мусобақада зафар қозониб, том маънодаги тарихий галабага эришгани билан самимий табриқлади.

Жавоҳир ушбу турнирда илгари ҳеч ким чиқа олмаган юқсак маррани забот этгани, 14 ўйинда 6 мартабга галаба қозонгани спорт оламида қандам-қанм учрайдиган ноёб ҳодиса экани алоҳида таъкидланди. У дунёнинг энг дондор шахматчиларига қарши ҳар бир баҳсда катта жасорат ва маҳорат билан дона суриб, кучли иродаси, юқсак интеллектуал салоҳияти ва қатъиятнинг намён қилгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари энди Жавоҳир Синдоров олдига жаҳон тожи учун ҳал қилувчи ва шарафли бешлашув турганини таъкидлаб, бўлажак ўйинларда унга янада улкан омад, куч-қайрат ва янги зафарлар ҳамроҳлигига тилак билдирди. Жорий йил Самарқанд шаҳрида ўтадиган 46-жаҳон шахмат олимпиадасида Жавоҳирнинг иштироки, шубҳасиз, жамоамизга катта руҳ ва ишонч бағишлашини таъкидлади.

Айни пайтда эътибор туфайли шахмат майдонига Жавоҳир Синдоров ёлғиз эмас, унинг қабатида “от сурадиган”, “фил ўйнатадиган” маҳоратли йигит-қизларимиз талайгина. Сўнгги йилларда Жавоҳирдан бошқа Жаҳон шахмат федерацияси (FIDE) рейтингларида номи эътибор этилган, бизга қадрдон исмларга эътибор беринг-а! Улар аллақачон шахмат тарихига кирган: Нодирбек Абдусатторов, Муҳиддин Мадаминов, Афруза Ҳамдамова, Умида Омонова, Нодирбек Ёқубов, Шамсидин Воҳидов, Жаҳонгир Воҳидов, Гулруҳбегим Тохиржонова... Рўйхат узун. Ундаги шахматчиларимиз 60 дан зиёд.

Шахматнинг ёш авлод вакиллари билан Сарвиноз Бекмуродованиннг жорий йил январда эришган муваффақияти ҳам мутахассисларда катта умид уйғотмоқда. Ўзбек қизи 12 ёшида FIDE аёллар ўртасида спорт устаси бўлди. Сарвиноз Ўзбекистон шахмати тарихида бу даражага эришган энг ёш қиз сифатида эътироф этилади.

Маъруз тарихий галаба маънавий тараққиёт, Учинчи Ренессансга қўйилган оламий пойдевордир. Янги Ўзбекистоннинг келажгини мана шундай йигит-қизлар қуради. Сарвинознинг бу ютуғи миллионлаб ёшларни руҳлантириб, катта рағбат беради. Келажакда

шахмат билан шуғулланадиганлар сони кўпайиши, спортимиз тарихи саҳифалари ёшларимизнинг катта интеллектуал тафаккури маъсули бўлган улкан галабалар билан бойиши шубҳасиз.

Ёшларга яратилаётган имкониятлар, халқаро майдондаги ютуқлар ва бой тарихий илдиллар юртимизда ҳақли равишда нафақат шахмат, балки спортнинг қатор турларини тарққий топтириш учун эса бўлмоқда. Зеро, халқимиз тийнатида музаффарлик мужассам. Демак, бизга галабалар ярашади.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Орол ва ҳаёт

ТАХМИНЛАР ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН ТУБИДА ВАҚТ ЎТИШИ БИЛАН НИСБАТАН БАРҚАРОР ЎСИМЛИК ЖАМОАЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ЭҲТИМОЛИ БОРЛИгини АНГЛАТАДИ.

МОСЛАШИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНИШНИНГ НОЁБ ТАБИИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИ



Орол денгизи фожиаси инсоният тарихидаги энг йирик экологик инқирозлардан. Бинобарин, бир пайтлар улкан сув ҳавзаси бўлган улкан ҳудуднинг бутун катта қисми қуриб, шўрхок ва қурғоқчил майдонга айланган. Бироқ сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар Оролнинг қуриган туби мутлақо жонсиз эмаслигини кўрсатмоқда. Аксинча, бу ерда мураккаб, секин, аммо муайян қонуниятларга асосланган табиий тикланиш жараёни кечмоқда.



Жасур САДИЕВ,
Ботаника институти
Геоботаника лабораторияси
кичик илмий ходими

Шу нуқтан назардан, NDVI таҳлили Оролнинг қуриган тубидаги экологик ҳолатни баҳолашда муҳим воситага айланмоқда. У ҳудуднинг қанчалик яшиллаганини кўрсатибгина қолмай, қайси даврда ва қандай табиий шароитларда ўсимлик қоплами фаол шаклланаётганини ҳам очиқ беради. Бу эса экологик мониторинг, тиклаш чоралари ва келгусидаги илмий прогнозлар учун катта аҳамиятга эга.

Бироқ Оролнинг қуриган тубида ўсимлик қоплами шаклланишини фақат иқлим омиллари билан изоҳлаб бўлмайди. Кўп йиллик геоботаник кузатувлар бу жараённинг янада чуқур қонуниятларини очиқ берди. Фанлар академияси Ботаника институти олимлари ўтказган 35 йиллик фундаментал тадқиқотлар асосида Орол денгизининг қуриган тубида шаклланаётган ўсимлик ва экотизимларнинг узок муддатли динамикаси ўрганилди. Ушбу тадқиқот натижалари дунёнинг нуфузли илмий нашрларидан бири — “Ecological Indicators” журналыда чоп этилгани ҳам мавзунинг халқаро миқёсдаги долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларига кўра, 1986-2023 йилларда Орол денгизининг қуриган тубида ўсимлик қоплами бир хил суръатда ривожланмаган. Айрим йилларда вегетация сусайган бўлса, аксинча, айрим даврларда тикланиш кучайган.

Бугун олимлар Орол денгизининг қуриган тубида ўсимлик қоплами қандай шаклланаётганини нафақат дала кузатувлари, балки космик тасвирлар ёрдамида ҳам таҳлил қилмоқда. Шундай замонавий усуллардан бири NDVI, яъни ўсимлик қопламининг ҳолатини баҳолашга хизмат қилувчи кўрсаткичдир. У сунъий йўлдош тасвирлари орқали ҳудуддаги яшил масса миқдори ва вегетация фаоллигини аниқлаш имконини беради. Мазкур усул ёрдамида Орол тубидаги ўсимлик қопламининг ўзгариши узок йиллар давомида кузатилиб, асосий тенденциялари аниқланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, 1986-2023 йилларда Орол денгизининг қуриган тубида ўсимлик қоплами бир хил суръатда ривожланмаган. Айрим йилларда вегетация сусай-

ган бўлса, аксинча, айрим даврларда тикланиш кучайган. Масалан, 1986, 1995 ва 2000 йилларда NDVI кўрсаткичи бир оз пасайган бўлса, 2010 йилда энг юқори натижа — 0,89 қайд этилган. 1990, 2015, 2020 ва 2023 йилларда эса вегетация нисбатан барқарор даражада сақланиб қолган. Бу кўрсаткичлар денгизнинг қуриган тубида ўсимлик қопламини шаклланиши тўхтамагани, балки табиий шароитта мос равишда давом этаётганини кўрсатади.

Бу жараён, аввало, иқлим омиллари билан чамбарчас боғлиқ. Харорат ва ёгин миқдори-

даги ўзгаришлар ўсимликларнинг ўсиши ва биомасса тўплашига кучли таъсир кўрсатади. Тадқиқотларга кўра, 1983 йилдаги юқори харорат, 1984-1986 йиллардаги қаҳратон қиш ва вегетация даврида ёгиннинг камлиги 1986 йилда NDVI пасайишига сабаб бўлган. Аксинча, 2010 йили баҳор ойларда, хусусан, март — майда ёгиннинг кўп бўлиши вегетация ривожланишига қулай шароит яратган ва яшил қопламининг орттишига олиб келган. Демак, Орол тубида ўсимлик ҳаёти иқлим шароити, айниқса, баҳорги намлик билан узвий боғлиқ.

Мазкур кузатувлар давомида Орол денгизининг қуриган тубида бешта асосий экотизим тури шаклланиши аниқланган. Бу жуда муҳим ҳулоса. Чунки у ҳудуддаги ўсимлик қопламини тасодифий эмас, балки муайян экологик омиллар таъсирида, қонуниятли равишда шаклланаётганини тасдиқлайди. Тадқиқотлар 30 дан ортиқ доминант ўсимлик турининг алмашилиш жараёнини кузатиб, бу ҳолатни тупроқнинг механик таркиби, шўрланмиш даражаси ва ер ости сувларининг жойлашув чуқурлиги билан боғлаган.

Хусусан, қумли ва ўртача зичликдаги тупроқлар ҳамда 1-1,5 метр чуқурликда жойлашган сизот сув мавжуд ҳудудларда фитомасса ва биохилма-хиллик нисбатан юқори бўлиши аниқланган. Аксинча, кучли шўрланган оғир тупроқларда одатда жуда содда, монодоминант галофит жамоалар шаклланади. Бу эса Орол денгизи қуриган тубининг турли қисмларида нега вегетация даражаси ва таркиби бир-биридан фарқ қилишини изоҳлайди.

Тадқиқотларда яна бир муҳим жиҳат аниқланган: Оролнинг қуриган тубида

ўсимликларнинг тикланиши оддий ва тўғри чиқиқли жараён эмас. Бу жараён мозаик ва айрим ҳолларда давр хусусиятга эга. Яъни ҳудуднинг бир қисмида ўсимлик қопламини нисбатан тез шаклланаётган бўлса, бошқа жойларда шўрланиш, қурғоқчилик ёки тупроқ шароити сабаб бу жараён анча секин кечади. Демак, Орол тубини ягона табиий макон эмас, балки турли экологик шароитларга эга мураккаб тизим сифатида кўриш керак.

Кўп йиллик кузатувлар давомида 65 та экотип шаклланиши қайд этилган. Бу Орол денгизининг қуриган тубидаги экологик жараёнлар қанчалик мураккаб ва кўп қатламли эканини кўрсатади. Ушбу маълумотлар асосида махсус экологик классификация шаклланиши билан таърифланган ва экотизимларнинг келажакдаги ривожланиш йўналишлари ҳам прогноз қилинган. Тахминлар Орол денгизининг қуриган тубида вақт ўтиши билан нисбатан барқарор ўсимлик жамоалари шаклланиши эҳтимоли борлигини аниқлатади.

Албатта, бу ижобий жараёнлар билан бир қаторда хавф-хатарлар ҳам сақланиб қолмоқда. Иқлим ўзгариши кучайиб бораётган ҳозирги шароитда хароратнинг орттиши, қурғоқчилик даврининг кўпайиши ва ёгиннинг камайиши вегетация учун жиддий босим омилга айланмоқда. Тадқиқотларда қайд этилишича, бундай ҳолат NDVI кўрсаткичларининг пасайиши, демак, ўсимлик биомасса ҳажмининг камайишига олиб келиши мумкин. Айниқса, вегетация давридаги намлик тақчиллиги фотосинтез ва транспирация жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, Орол тубидаги табиий тикланиш жараёни жуда нозик экологик мувозанатга таянади.

Шундай бўлса-да, илмий кузатувлар Оролнинг қуриган туби фақат экологик фожа тимсоли эмаслигини ҳам кўрсатмоқда. Бу ҳудуд айни пайтда табиатнинг экстремал шароитида ҳам мослашиш ва қайта тикланиш салоҳиятини намоян этаётган ноёб табиий лабораториядир. Бу ерда ўсимлик қопламининг шаклланиши, янги экотизимларнинг пайдо бўлиши ва биохилма-хилликнинг аста-секин ортиб бориши Орол тубидаги ҳудудлари учун экологик тикланиш стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Орол денгизининг қуриган тубида ўсимлик қопламининг шаклланиши узок муддатли, мураккаб ва кўп омилли экологик жараён. NDVI асосидаги таҳлиллар бу ҳудудда ўсимлик қопламини иқлим омилларига қанчалик таъсирчан эканини кўрсатса, кўп йиллик дала кузатувлари тикланишининг ички механизмининг очиқ бериши. Энг муҳими, бу тадқиқотлар Орол тубида ҳаётнинг қайта шаклланиши мумкинлигини, пироваддада экологик реставрация илмий асосда олиб борилса, минтақа учун умид борлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари орасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси нафақат ободончилик ташаббуси, балки инсон саломатлиги, иқлим барқарорлиги ва келажак авлод тақдири билан узвий боғлиқ ҳаётий дастур сифатида намоян бўлмоқда.

Аслида, дарахт экиш халқимиз таваққурида қадимдан савоб, ободлик ва эзгулик тимсоли бўлиб келган. Аммо кейинги ўн йилликларда урбанизация, нотўғри режалаштириш, айрим ҳудудларда дарахтларнинг аёвсиз кесилиши ва парвариш масаласига етарлича эътибор берилмагани экологик мувозанатга жиддий таъсир кўрсатди. Шу боис, давлат миқёсида яшил ҳудудларни кенгайтириш масаласи оддий ташаббус эмас, балки замон талаби сифатида кун тартибига чиқди.

Яшил макон



Мухиддин ТЕШАБОВЕВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент

ўрмон хўжаликларига сифатли ва кафолатланган уруғ етиштириш ҳажмини 1,5 баравар ошириш, етказиб берилаётган кўчатлар ҳажмини эса 2 баравар кўпайтириш мақсад қилиб қўйилди. Демак, энди асосий эътибор фақат кўчат сонига эмас, балки уларнинг сифати, яшовчанлиги, касаллик ва зараркундаларга чидамлилигига ҳам қаратилмоқда.

Бугун экологик сиёсатнинг муваффақияти фақат кўчат экиш билан эмас, балки уларни парваришлаш, сув билан таъминлаш ва ҳудудларнинг иқлим шароитига мос тур танлаш билан ҳам ўлчанади. Шу мақсадда туман ва шаҳарлар кесимида кейинги 3 йилда қайси ҳудудда қанча дарахт экилиши, қандай суғориш воситалари кераклиги ва кимлар масъул экани кўрсатилган “ҳудудда яшилликни ошириш режаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган. Бу эса “Яшил макон”нинг мавсумий ҳаёт даражасидан институционал ва илмий асосланган тизимга айлантирилганини аниқлатади.

Сўнгги янгиликлар бу йўналишдаги ишлар янги босқичга кўтарилганини кўрсатмоқда. 2025 йил 1 октябрдан бошлаб “Яшил макон” электрон платформасида жамоатчилик иштирокини ошириш, дарахт экилиши мумкин бўлган ҳудудлар координатаси, сув таъминоти ва кейинги парвариш имкониятларини кўрсатиш, шунингдек, бюджет маблағларининг “ҳар бир тийин сарфланишини кузатиш” тамойили асосида очликни таъминлаш механизми жорий этилди. Бундан ташқари, дарахтларни ноқонуний кесган шахслар, ҳуқуқбузарликлар ва қўрилган чоралар бўйича маълумотлар ҳам платформага мунтазам киритиб борилади.

Бу ўзгаришлар экологик бошқарувда мутлақо янги маданиятни шакллантирмоқда. Яъни энди “Яшил макон” нафақат кўчат экиш акцияси, балки очиқлик, рақамлаштириш, жамоатчилик назорати ва шаффоф молиявий тизимга таянувчи замонавий платформага айланмоқда. Бу эса фуқароларнинг ишончи ва жойлардаги масъулиятни кучайтириш, натижадорликни янада оширишга хизмат қилади.



УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНГАН ТАШАББУС

Мамлакат миқёсидаги режаларнинг ҳудудларда қандай акс этаётганига доир баъзи мисоллар ҳам эътиборга лойиқ. 2026 йил мартдаги расмий маълумотга кўра, биргина ҳудудда сўнгги 4 йилда 70 миллион туп дарахт кўчати экилиб, яшиллик даражаси 7 фойдан 14,5 фойзга ошган. Бу кўрсаткич яшил сиёсат амалда натижа бераётгани, дарахт экиш ишлари изчил бажарилса, экологик манзара қисқа муддатда сезиларли ўзгаришда намоян бўлади.

Авалги йилларда ҳам ҳудудий мисоллар бу ташаббуснинг халқчил моҳиятини намоян этган эди. Масалан, Наманган вилоятида бир босқичда 15 миллион 397 минг туп кўчат экиш режалаштирилган. Уларнинг муҳим қисми 62,5 гектардаги 29 жамоат парки

ва 83,1 гектардаги 30 яшил майдонга жойлаштирилиши кўзда тутилган эди. Шунингдек, вилоятдаги 712 та мактаб ҳудудида 186 минг туп кўчат ўтказиш белгиланган. Бу эса “Яшил макон”нинг таълим муассасалари, маҳалла ва оилаларга кириб боришидан далолат.

Яна бир муҳим йўналиш — қўлланмага қарши курашди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонида мувофиқ, Орол тубида 250 минг гектар, жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 115 минг гектар “яшил қоллама” барпо этиш вазифаси қўйилган.

Бу кўрсаткичлар “Яшил макон”нинг фақат шаҳар кўчаларини бешага қаратилганини аниқлатади. Лойиҳа аслида чанг-қум бўрони, тупроқ деградацияси, сувсизлик ва иқлим

ўзгариши каби мураккаб экологик таҳдидларга қарши миллий жавоб сифатида шаклланимоқда. Айниқса, Тошкент шаҳри атрофида 2026-2028 йилларда умумий майдони 790 гектар бўлган ҳудудларда “яшил белбоғ” ва иккита ботаника боғи барпо этиш лойиҳаси аҳолини чанг-қум бўрони таъсиридан асрашга қаратилган.

Лойиҳа доирасида фақат дарахт экиш эмас, балки илмий ва ташкилий инфратузилма ҳам кучайтирилмоқда. Хужжатда 1500 тонна дарахт ва бутта уруғини тайёрлаш, 126 миллион туп ниҳол етиштириш, давлатга тегишли 18 та ўрмон хўжалигини кўчатчиликка ихтисослаштириш, уруғлар генетик банкни ташкил қилиш каби вазифалар белгиланган. Бу эса яшил сиёсатни тасодифий акциялар

эмас, балки илм-фан, селекция, мониторинг ва барқарор хўжалик юритиш тамойилларига таянган ҳолда юритиш зарурлиги аниқлаб этилганини кўрсатади.

Шунингдек, кадрлар масаласи ҳам эътиборга олинган. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти учун 2025-2030 йилларда магистратура ва докторантура квоталарини шакллантириш, илмий даражали мутахассислар тайёрлаш, ўрмон хўжалиги тизимини ёш ва замонавий фикрлайдиган кадрлар билан тўлдириб вазифалари белгиланган. Бу эса экологик ислохотларнинг узок муддатли муваффақияти малакали мутахассислар, илмий мактаб ва бошқарув маданиятига ҳам боғлиқ эканини аниқлатади.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, “Яшил макон” доирасида “Менинг боғим”, “яшил жамоат парки”, “яшил белбоғ”, “соғли сайр кўчалари” каби аниқ форматлар жорий қилинмоқда. Қамида бир гектар майдонда яшил боғлар, ярим гектардан кам бўлмаган майдонда яшил жамоат парклари ташкил этиш тартиби белгиланган. Бу ёндашув яшилликни шунчаки умумий қақирқ эмас, балки манзилли, ўлчанадиган ва ҳудудий лойиҳалар шаклида рўёбга чиқаради.

Бундай кенг қамровли ишлар, албатта, жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз самара бермайди. Аҳоли, таълим муассасалари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва давлат ташкилотларининг бир йўналишда ҳаракат қилиши “Яшил макон”ни чинакам умумхалқ ҳаракатига айлантирмоқда. Хусусан, айрим ҳудудларда тадбиркорлар ўз маблағи ҳисобида юз минглаб кўчатли боғлар барпо этиш ташаббусини илгари сургани бу гоёнинг халқ қалбидан жой олганидан далолат беради.

Бугун экологик маданият масаласи ҳам долзарб. Чунки дарахт экишининг ўзи етарли эмас. Уни асраш, суғориш, парваришлаш, ноқонуний кесилишининг олдини олиш, ҳар бир ниҳолга масъулият билан қараш муҳим. Шу маънода, “Яшил макон” инсон ва табиат муносабатларини қайта қўриқ қилиш, истеъмолчи эмас, бунёдкор ва посбон таваққурини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Эксплаётган ҳар бир ниҳол эртанги кун учун қўйлаётган амалий қадамдир. У мусоффо ҳаво, салқин кўчалар, қулай яшаш муҳити, биологик хилма-хиллик ва авлодлар фаровонлигига хизмат қилади. Энг муҳими, у янги Ўзбекистоннинг тараққиёти табиатини бўйсундириш эмас, балки у билан уйғун яшаш тамойилига асосланишини намоян этади.

Шу боис, “Яшил макон” бугуннинг экологик дастури бўлиш билан бирга эртанги куннинг маънавий ва фуқаролик мезонига ҳам айланмоқда. Табиатга эҳтиром, заминга меҳр ва келажак олдидagi масъулият билан яшаш жойда ҳақиқий тараққиёт бошланади. Демак, Ўзбекистоннинг яшил келажак экилган ҳар бир кўчатда, асралган ҳар бир дарахтда ва ҳар бир фуқарода уйғунган экологик онгда мужассамдир.



Янги тахрирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюқ аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.

Бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим дастурини мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида жорий этиш тизимдаги муҳим ва стратегик аҳамиятга эга ислохотлардан ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар кўрсатадики, инсон ҳаётининг илк беш йили унинг шахс сифатида шаклланишида ҳал қилувчи босқич бўлиб, айнан шу даврда боланинг дунёқараши, ижтимоий муносабатларга киришиш қобилияти, ҳиссий барқарорлиги, когнитив фаоллиги ҳамда жисмоний ривожланиш асослари мустаҳкамланади. Шу нуқтага назардан қараганда, мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, мазмун ва шакллари замон талаблари асосида такомиллаштириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда.



БИР ЙИЛЛИК МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ УЗВИЙЛИК ВА ИЗЧИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Президентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришга қаратилган муҳим ҳужжат сифатида аҳамият касб этади. Чунки унда мактабгача таълим тизимини илгор хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш, инновацион таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, ижодий ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим дастурини мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида жорий этиш назарда тутилмоқда.

Бир йиллик тайёрлов дастурини ишлаб чиқишда хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш ва уни миллий таълим тизимига мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда халқаро экспертлар, педагогика мутахассислари жалб қилиниб, дастурнинг мазмун-моҳияти, самарадорлиги оширилишига эришилиши кўзда тутилган. Вариатив дастур асосида ишлаб чиқилган таълим мазмуни ёки индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда болаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга йўналтирилади.

Вариатив таълим дастурини ишлаб чиқишда институционал ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратишмоқда. — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазири Шайхон Абдураҳимов. — Мактабгача босқичида болаларда асосий ҳаётий ва ўқув компетенциялари шакллантириб, кейинги босқичларда улар изчил ривожлантириб борилади. Натижада ўқувчилар таълим жараёнида улусқисликни ҳис этиши ва янги босқичга ўтишда қийинчиликларга дуч келмайди.

Шу каби илгор тажрибаларни миллий таълимга мослаштириш орқали Ўзбекистонда ҳам мактабгача ва мактаб таълими ўртасидаги узвийликни таъминлаш, болаларнинг барқарор ва сифатли таълим олишини йўлга қўйиш имконияти янада кенгайди.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қўқон хонлиги

ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган Қўқон хонлиги Бухоро хонлигига юз берган чигал сиёсий вазият туфайли мустақил давлат сифатида вужудга келган. Хонлиқнинг ташкил топишида ўзбекларнинг минг уруғи вакиллари фаол иштирок этган.

Шоҳрухбий Қўқон хонлигининг биринчи ҳукмдори бўлган. Маҳмуд Ҳаким Яйғонийнинг “Хуллас ут-таворих”, Муҳаммад Фозилбекнинг “Мукаммали тарихи Фарғона” ва Мулло Олим Маҳдум Ҳожининг “Тарихи Туркистон” асарларида Шоҳрухбийнинг тахтга ўтириши бошқача тасвирланади. Мазкур асарларда ўша даврларда, яъни XVIII асрнинг бошларида Қўқон агрофидога худудларга Чо-да ҳожалари ҳокимлик қилгани, Шоҳрухбий ҳокимиятини улардан куч билан тортиб олгани қайд этилади.

У ҳукмронлигининг дастлабки даврларидан бошлаб салтанатни мустаҳкамлаш сиёсатини юритди. Шоҳрухбий даврида янги ташкил топган давлатнинг маъмурий худуди у қадар катта бўлмай, асосан, Фарғона vodiysининг шимолий ва марказий қисмларини қамраб олган эди. Шунга қарамай, дастлабки даврларда хоннинг марказий ва маҳаллий бошқарув тизими шаклланиб бориб, Қўқон хонлигига минглар ва тизимини аввалдан ўзлари ишлаб чиқишга мажбур эди.

Бухорода аштархонийлар ўрнига келган манғитлар сулоласига давлат бошқаруви, ҳарбий салоҳият, маъмурий тизим мерос бўлиб қолган бўлса, Қўқон хонлигиде минглар ва тизимини аввалдан ўзлари ишлаб чиқишга мажбур эди. Шу ўринда “Тарихи Туркистон” асари муаллифи Мулло Олим Маҳдум Ҳожининг қуйидаги маълумоти диққатга сазовор: “Шоҳруххон... Наманган сарҳадидан то Шоҳидон ва Понсоди Ғозийга, алҳол Понғоз деб аталадур, ҳукматини жорий қилиб, ул вилоятга волий ва ҳоким тайин айлаб, фатҳ ва нусрат бирла қайтиб келиб тушубдур”.

Ушбу маълумотдан Шоҳрухбий ҳукмронлигининг илк кунларидан бошлаб нафақат марказий, балки маҳаллий бошқарув тизимини ҳам шакллантириб, Марказий Осиёдаги давлатчилик анъаналарини давом эттирган ҳолда давлатни бошқаришга ҳаракат қилгани аниқлаш мумкин.

Ҳукмдор Шоҳрухбийнинг авлодлари янги тузилган давлатнинг худудини кенгайтириш сиёсатини тутди. Бу сиёсатнинг амалдаги таъбиғи асосида давлатни бошқариш асослари шаклланиб бориб, Хусусан, ўн икки йиллик ҳукмронлик давридан сўнг вафот этган Шоҳрухбий ўрнига — тахтга тўнғич ўғли Абдураҳимбий ўтириди. У мамлакат сиёсий қудратини ошириш, худудий чегарани кенгайтириш мақсадида ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Ҳарбий ҳаракатлар давомида қўлга киритилган худудларни бошқариш учун ака-укалари, қариндош-уруғлари, амалдорларга бўлиб берди.

Масалан, Бухоро хонлигига тегишли Хў-жаид вилоятини эгаллаб, укаси Абдукаримбийнинг ҳоким этиб тайинлади. Қичқ укаси Шодидий эса Марғилон вилоятига ҳоким бўлди. Ҳарбий ҳаракатлари натижасида Абдураҳимбий бир оз муддат бўлса-да, Бухорога қарши Самарқанд, Жиззах ва Каттақўрғонни ҳам тасарруфига киритиб, Самарқандга Мулло Бечорани, Жиззахга Оллоҳқўлибек додхонни ҳоким этиб тайинлади. Қўқонга қайтишда хоннинг ўзи оғир дардга чалиниб, Хўжаанда вафот этди. Унинг ҳукмдорлик даврида Фарғона vodiysи тўлиқ марказлашган давлатга айланди.

Абдураҳимбий вафотидан сўнг Қўқон тахтига укаси Абдукаримбий ўтирди. У ҳам акаси сингари мамлакат фаровонлиги, юрт ободлиги учун муносиб ҳукмдорлик қилди. Хоннинг давлат бошқарувидаги фаолияти ҳақида “Ансоб ус-салотин” асарида “Абдукаримхон шижоатлик, сипоҳ ва фуқарога шафқатлик, Худованди таолога ибодатлик эрди”, деб таъриф берилади. Абдукаримбий пойтахт — Қўқон шаҳрини кенгайтириб, айлантириб девор қуришга буйруқ берди. Ўша вақтда Қўқон шаҳрининг тўртта дарвозаси қурилган. XVIII аср биринчи ярмида хонлиқнинг шимолидан қириб келган қўқончи жунгор қабилалари ҳужумини қайтариб, марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамлади.



юборди. Умархон Қўқон адабий муҳитининг шаклланиб, ривожланишига катта ҳисса қўшган, ҳолаверса, ўзи ҳам Амирий таҳаллуси билан ўзбек ва форс тилларида шеър битгани яхши маълум.

1822 йили оғир касаллик туфайли вафот этган, тахтга Умархоннинг 14 ёшли ўғли Муҳаммад Алихон ўтириди. У ҳам ўзидан олдин ўтган ҳукмдорлар каби фаол ташқи сиёсат юритган. Қўқон хонлиги билан Хитой билан



муносабатларининг кескин тус олишига сабаб бўлди. Муҳаммад Алихон ҳукмронлигининг сўнгги даврида хонлиқдаги давлатчилик анъаналари укаси Ҳукмронлигининг сўнгги йилларида укаси Хўжирон билан ўрталарида пайдо бўлган адоватни ижобий ҳал қилишга эришди. Шунинг учун ҳам у Қўқон хонлари орасида энг узоқ муддат — 36 йил давлатни бошқарган. Нобўтабийнинг олий ҳукмдор сифатидаги бу фаолияти хонлиқда давлатни бошқарув тамойиллари шаклланиб, ривожланиб бориши ва Қўқон ҳукмдорлари улардан яхши хабардор бўлгани кўрсатади.

Нобўтабий вафотидан сўнг тахтга ўтирган Олимхон давлатни идора этишда фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ва ишсизлик масаласида ҳам самарали ислохотларни ўтказган. “Тарихи Шоҳрухий” асарида Олимхон мамлакатдаги гадоилар, девона ва ишқам одамларни галла ва ўтин ташвиш ишларига жалб қилгани қайд этилади.

Умархон 1810 йили Қўқон тахтини эгаллайди. У мамлакатда давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Хусусан, ташқи алоқаларни йўлга қўйишда муҳим ишларни бажаради. Давлат тараққиётида ташқи савдо алоқаларининг ўрни беқиёслгини тўғри аниқлаб, Қўқон хонлиги ва Россия ўртасидаги дастлабки савдо дипломатик муносабатларини йўлга қўйди ҳамда 1812 йили бу давлатга элчи

Давлатнинг таназзулга юз тутиши

XIX асрда Қўқон тахтига дастлаб Шералихон, сўнг авлодлари Худойёрхон, Маллахон, Муллохон хонлиқининг кескин тус олишига сабаб бўлди. Муҳаммад Алихон ҳукмронлигининг сўнгги даврида хонлиқдаги давлатчилик анъаналари укаси Ҳукмронлигининг сўнгги йилларида укаси Хўжирон билан ўрталарида пайдо бўлган адоватни ижобий ҳал қилишга эришди. Шунингдек, унинг марказий бошқарувида юқори мавқега эга айрим мансабдорларни қатл эттирган ва бадараг қилгани ҳокимиятнинг заифлашуви, мухолифат қучларнинг мамлакат ташқарисиде бirlaшиб, ҳаракат қилишига имкон яратди.

Қўқон хонлиги марказий ҳокимиятида вужудга келган бундай вазиятдан мухолиф кучлар унумли фойдаланди. Бухоро амири Насруллохонни гижжиклаб, Қўқонга қарши қўқонли тортишга ундайди. 1842 йили Насруллохон Қўқонни забт этади ва Нодирабегим, Муҳаммад Алихон ҳамда хоннинг укаси Султон Маҳмудхонни, шунингдек, ҳукмрон сулоланинг бир неча вакиллари қатл эттиради.

Султон Сайидхон, Насриддинхон ўтиради. Тахт учун ўзаро курашлар, иқтисодий босим туфайли хонлиқда инқироз юзага келади. Бундан эса ташқи қучлар, жумладан, Россия империяси унумли фойдаланади.

Маллахон хонлиқининг ҳарбий салоҳиятини ошириш ва ташқи қучларнинг босқинчилигига қарши курашиш учун мунгазам қўқон тузишга ҳаракат қилди. 1859 йил 28 ноябрда Хива хонлиги билан шартнома имзолаб, Россия империяси қўқонига қарши биргалиқда юриш қилишга келишиб олган эди. Бироқ 1862 йилда Маллахоннинг ўлдирилиши бу шартноманинг бекор бўлишига олиб келди. 1865 йили Россия империяси қўқонлири Тошкентни босиб олди. Оқибатда хонлиқдаги тахт учун курашлар, сиёсий ва иқтисодий босимлар туфайли давлат таназзулга ош тутди.

1875-1876 йиллардаги кичи курашлардан фойдаланган Россия империяси қўқонлири хонлиқнинг пойтахтини эгаллади ва 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги бутунлай тугатилгани эълон қилди.

Дипломатия ва консуллик идораси

Қўқон хонлиги 1759 йилда Хитойнинг Чинг, 1810 йилда Россия, 1820 йилда Усмонийлар империялари, шунингдек, турли йилларда яқин қўқонли давлатлар — Бухоро амирилик, Хива хонлиги, қозоқ жузлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Бундан ташқари, хонлиқнинг чет элдиги бошқарув шаклларида бири оқсоқоллик тизими, яъни консуллик идораси бўлган. Идорада хон ёрлиги остида фаолият юритган оқсоқол, замонавий таъбир билан айтганда, консул чет элда, жумладан, Россия империясининг Астрахань, Сибирь худудларида ҳамда Хитойдаги Чинг империясининг Қошғар, Ёрқент, Хўтан, Турфон, Кучор, Урумчи, Гўлжа шаҳарларида савдо ва хунармандчилик билан шуғулланаётган Қўқон хонлиги фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилган. Бундай ёрлиқларга эга бўлган оқсоқоллар Шарқий Туркистонда ҳам истиқомат қилган.

Қўқоннинг ҳозирги Хитой худудидаги консуллик идораси 1762 йилда туркистонлик савдогарлар томонидан Ёрқентда мустақил уюшма сифатида ташкил қилинган. Қўқонлик савдогар Ризоқули Ёрқентдаги туркистонлик савдогарларнинг оқсоқоли этиб тайинланган. Иккинчи оқсоқол эса Қошғарда тайинланган бўлиб, у тошкентлик савдогар Нейматжон эди. 1808 йилда у вафот этган. Қўқон оқсоқоли лавозимига бой ёки амалдор бўлган савдогарлар тоифасидаги шахслар, кейинчалик ҳарбийлар ҳам ижара шарти билан тайинланган.

1828 йилда Қўқон хонлигидан келиб, Хитойда истиқомат қилган 5122 оғил бўлган. Уларнинг 3602 таси Тяньшаннинг жанубида, яъни Қошғар, Ёрқент, Хўтан, Учтурфон, Янгиҳисор, Кучор, Оқсув ва бошқа аҳоли манзилларида, 460 таси шимолда Урумчи, Гўлжа, Чугучакдан иборат Ил вилоятида яшаган.

Қўқон ҳукмдори Муҳаммад Алихон манжурулар ҳукматида бир неча марта элчи юборган. Улардан бири Аяланбай (Аълам почча) бўлиб, 1831-1834 йиллар оралиғида бир неча марта манжурулар ҳукмати пойтахти Пекинга борган. Бу ҳақда Қўқон муаррихи Тожирининг “Ғаройиб сипоҳ” (“Қўқон аюбийотлари”) асарида батафсил китрилган. Чин императори Даогуаннинг 1832 йил 13 январдаги буйруғига кўра, Хитойда савдо қилаётган қўқонлик савдогарлардан солиқ йиғиб олиш ишлари билан шуғулланувчи оқсоқоллик институти расман ташкил этилган. Аълам почча эса оқсоқол консул лавозимига тайинланган.

Муҳаммад Алихон 1834 йилда Аълам почча ўрнига Абдуғуфурни тайинлаган, бироқ у оқсоқоллик даврида қўқонлик фуқароларни нисбатан зомиллик билан машҳур бўлган. Шу сабабли у Муҳаммад Алихоннинг буйруғига кўра дорга осилган. Тарихчи Қурбон Али Аягузий “Тарихи ҳамсаи шарқи” асарида Абдуғуфурдан сўнг Нейматжон оқсоқоллик мансабига тайинланган деб ёзган. 1842 йилдан 1844 йилгача Рўзи оқсоқол консул бўлган. Қўқон ҳукмдори Худойёрхон даврида асли тошкентлик савдогар Нейматжон додхон оқсоқол этиб тайинланган. 1852-1853 йилларда хўжадлик Байжонли, 1855-1856 йилларда Сайид Уроқ оқсоқол бўлган.

Қўқон оқсоқоли мансабининг қачон тугатилгани ҳақидаги маълумотлар ҳам бахсли. Қурбон Али Аягузийнинг “Тарихи ҳамсаи шарқи” асарида ёзилшича, “Ушбу оқсоқоллик манжурулар ҳукматида қўқонлик фуқароларни дунгон-уйғур қўзғолонларидан сўнг тугатилган”. Аммо XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлати даврида Қўқон оқсоқоллиги тугатилмаганини кўриш мумкин. Қўқон хонлиги даврида ташкил этилган оқсоқоллик тизими 1876 йили хонлик тугатилгандан сўнг ҳам фаолиятини тўхтатмаган. Бу оқсоқоллик тизими XIX аср охири — XX асрнинг бошларида Оқсув, Гўлжа, Учтурфон, Ёрқент, Хўтан, Кучор, Қорашаҳар, Лобнор, Турфон, Хаами, Керия ва Дуньхуан каби шаҳарларда кенгайиб борган.

Шерали ҚЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори

БИРГА КИТОБ ЎҚИЙМИЗ



Изҳор

Умримизга ранг берган,
Рангин хитоб ўқиймиз.
Саодатни жам берган,
Бирга китоб ўқиймиз.

Юлдуз — у йўл кўрсатур,
Ҳаётимизга дастур,
Содик, вафодор дўстдир,
Бирга китоб ўқиймиз.

Панд бермагай, бергай қанд,
Бошни этгай сарбаланд,
Ким пок бахтга орзуманд,
Бирга китоб ўқиймиз.

Илму тафаккурга кел,
Тоza тасаввурга кел,
Нурга — тадабурга кел,
Бирга китоб ўқиймиз.

Дур тўла ганжинадир,
Туганмас хазинадир,
Фалакларга зинадир,
Бирга китоб ўқиймиз.

Боболарнинг хатидан,
Дил келгай ҳар қатидан,
Ибрат ол сўхбатидан,
Бирга китоб ўқиймиз.

Бухорий нймон бўлиб,
Темурбек султон бўлиб,
Улугбек осмон бўлиб,
Бирга китоб ўқиймиз.

Навоийни англаш-чун,
“Муножот”ни тинглаш-чун,
Кафтингда тургай очун,
Бирга китоб ўқиймиз.

Йўқ бўлса кусур, иллат,
Юксалгай Ваган, миллат,
Мангудир бурч, садоқат,
Бирга китоб ўқиймиз.

Шаҳдам, шитоб ўқиймиз,
Мангу хитоб ўқиймиз,
Моҳтоб, офтоб ўқиймиз,
Бирга китоб ўқиймиз.

Ғайрат МАЖИД

МЕДИА ВА МАСЪУЛИЯТ

СУРХОНДАРЁДА ТАЪЛИМИЙ ЛОЙИХА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ



Бугунги нотинч дунёда сўз бемисл талафот етказувчи курул эканини кўпчилик яхши билади. Глобал ахборот маконида юз бераётган шиддатли ўзгаришлар, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интелектнинг жадал ривожини, шунингдек, фейк хабарлар оқими медиа соҳаси вакилларида янги ёндашувларни талаб этмоқда.



Ҳафталик

Шу мақсадда ўтказилган, республикадаги йирик таълимий-амалий лойиҳалардан бири — медиа ҳафталиқнинг навбатдаги манзили Сурхондарё вилояти бўлди.

Термиз туманида, Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасида, Амударё бўйида жойлашган “Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо зонасида ўтказилган медиа ҳафталик вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар ва матбуот котибларини ягона муҳитда бирлаштиришга хизмат қилди.

Беш кун давомида журналистлар, блогерлар ҳамда матбуот котиблари учун PR, фактчекнинг ва SMM йўналишларида экспертлар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилди.

— Ҳар бир дарс, ҳар бир мазмуна аҳамиятли бўлди, — дейди маҳаллий журналист Воҳид Чориев. — Масалан, Термиз туманида ташкил этилган ҳафталиқнинг илк кунинда экспертларнинг “Тренинг мақсади ва вазифалари”, “Ўзбекистон босма медиасидаги контент: амалиёт, муаммо ва ечим”, “Оператор — материал ҳаммуаллифи сифатида”, “Маҳаллий ва халқаро ОАВларнинг ижтимоий

тармоқлардаги амалиётдан кейинги таҳлили” каби мавзулардаги чиқишлари муҳокамалар марказида бўлди.

ОАВ учун контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси, Ёшлар ишлари агентлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида муҳим таълимий-амалий лойиҳа доирасида ўтказилган машғулотлар 1000 га яқин иштирокчи — интернет ва босма нашрлар вакиллари, тележурналистлар, давлат идоралари матбуот котиблари ҳамда блогерлар учун алоҳида йўналишларда ҳам ташкил этилди.

Хусусан, тренингларида 58 нафар матбуот котиби, 66 нафар давлат ва нодавлат телеканаллари ходимлари ҳамда 41 нафар босма ва электрон нашрлар вакиллари, шунингдек, замонавий медиа йўналишларига бўлган қизиқиш инобатта ташкил этилган ҳафталиқнинг илк кунинда экспертларнинг “Тренинг мақсади ва вазифалари”, “Ўзбекистон босма медиасидаги контент: амалиёт, муаммо ва ечим”, “Оператор — материал ҳаммуаллифи сифатида”, “Маҳаллий ва халқаро ОАВларнинг ижтимоий

— Медиа ҳафталиқнинг айнан бир куни мағбуот котибларига бағишланди, — дейди Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали матбуот котиби Самия Ақиева. — Унда бугунги куннинг мағбуот котиби оммавий ахборот воситалари вакиллари билан фарқли ўлароқ, асосий маълумотни ажрата олиши, шунингдек, муаммо билан бирга масалага ечим ҳам кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши лозимлиги тушунтирилди. Соҳа доирасидаги масалалар бўйича маълумотларни таҳлил қилишимиз, ОАВда ёритилмаган асосий мазмун ақс этган қисқача хабарни ишончли ва ҳолис тайёрлаш олишимиз зарурлиги билдирилди.

Медиа ҳафталик соҳа ходимларининг амалиётни назария билан бирлаштириб, ўзaro тажриба алмашишига ҳам хизмат қилди.

Шу мақсадда республиканинг энг етуқ медиа экспертлари, муҳаррир ва продюсерлари контент яратиш, фактчекнинг, рақамли гигиена, SMM ва стратегик коммуникациялар каби долзарб мавзуларда тренинг машғулотлари ўтказди.

— Кўп ҳудудий газеталарда материаллар ҳали ҳам расмий ахборот, йилгилиш баёни ёки пресс-релизларга ҳаддан ташқари боғлиқ қолган, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги муассислигидаги “Сурхон тонги” газетаси бош муҳаррири Салоҳиддин Норқобилов. —

университетда тахсил олаётган бўлажак ёш журналистлар учун ҳатоларни таҳлил қилиш, аниқ кейслар асосида ишлаш ва янги ёндашувларни шакллантириш каби имкониятлар яратилди. Иштирокчилар етуқ мутахассилларнинг бой тажрибаси ва замонавий медиани юксалтиришнинг муҳим йўналишларидан баҳраманд бўлди.

— Бугунги кунда медиа фақатгина ахборот тарқатишдан иборат эмас. У позиция, масъулият ва таъсир дегандир. Медиа ҳафталик орқали Сурхон воҳаси соҳа вакиллари айнан шуни ҳис қилипти, — дейди Контент марказининг ҳудудий вакили Заҳриддин Тураев. — Бу жараёнинг энг муҳим натижаси эса иштирокчиларнинг ўз ишига бўлган муносибатидаги ички ўзгаришлардир. Улар эндиликда ахборотни шунчаки етказмайдилар. Уни тушунади, таҳлил қилади ва унга жавобгарлик билан ёндашади. Бир сўз билан айтганда, тадбир фақат билим беришига эмас, балки фикрларини ўзгариштириш ҳамдир.

Ҳафталик якунида ташкил этилган йирик медиафорумда 500 дан зиёд фаол иштирокчи жам бўлди. Унда иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди. Шунингдек, машғулотларда алоҳида фаоллик кўрсатган соҳа вакиллари рағбатлантирилди.



Айни йўналишда рақамлашув секин кечаяпти. Кўпгина газеталарда яхши сайт, мобил версия, SMM, видео, подкаст, newsletter каби қўшимча форматлар йўқ ёки бўлса ҳам жуда сунъий фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, уларни янги аудиториядан узоқлаштиради. Бугунги кун ўқувчиси тез, қисқа, визуал ва фойдали контент истаيدди. Газетани фақатгина “қоғоз нашр” эмас, балки медиаинформатика айлантириш бугуннинг асосий талабидир. Тренингда нафақат шу каби муаммоларни, балки муҳим ечимларни ҳам гаплашдиқки, бу жуда аҳамиятли бўлди.

Ҳафталик доирасидаги машғулотлар чоғида лойиҳа қатнашчилари, хусусан, Термиз давлат

Бугун бутун дунёда кечаётган жараёнлар, ахборот маконидидаги тезкор ўзгаришлар, ижтимоий тармоқларнинг омаллашуви, сунъий интелектнинг ривожланиши ва фейк хабарлар оқими мазкур соҳада янги ёндашувлар ҳамда идораларнинг талаб этмоқда. Шу маънода, Сурхондарё вилоятида ўтказилган медиа ҳафталик чин маънода ўз ўрнини топиб ва ўз сўзини айтиб олди.

Лойиҳанинг кейинги босқичи жорий йилнинг 20-24 апрель кунлари Қашқадарё вилоятида давом этади.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Олтириқ тумани “Зилол” маҳалла фуқаролар йиғинидаги илон изи йўллари бўйлаб Ғулумжон Ҳайдаров умргузаронлик қилаётган хонадонга кириб бордик. Уй бекаси бир этак набиралари билан нонушта қилаётган экан. Дастурхонда бир коса қаймоқ, нон.

— Томорқа ишларидан ортиб, нонуштага энди вақт топганди, — дея бизни дастурхонга таклиф қилди оила бекаси самимий.

Бу ерда ортиқча ҳашамат йўқ, ҳамма нарса оддий. Саранжом-сариниша ҳовли, пешайвон атрофида ўсиб турган гул-чечаклар дилингида хузур бағишлайди. Оиланинг асосий даромад манбаи — иссиқхонада эрта тонгда ишлаш ҳам қўлай, ҳам баракана бўлади. Кун исиб кетган, бу ишларни бажариш бирмунча қийинлашади. Кимдир ўчоқ бошида, яна бири уй юмушлари билан андармон.

Мақоламинг қаҳрамони, жисмоний имконияти чекланган Рўзихон Ҳайдарова билан танишувимиз шундай кечди. Опанинг руҳи тетик, сўзамол, самимий. Икки қўли ногирон бўлса-да, дардларга енгилмаслик, тушқунликка тушмасликни меҳнат орқали ўрганди. “Ногиронлик, менга ёрдам беринг”, дейиш тугул, бу ҳақда ўйлашни ҳам истамайди. Бажараётган юмушларидан завқланиб яшашга одатланган. Фарзандларини ҳам ҳаётнинг шу ҳақиқатларига монанд тарбиялаб, камолга етказди. Турмуш ўртоғи, иккинчи гуруҳ ногирони Ғулумжон билан бир ёстиққа бош қўйганига 38 йил бўлди. Умр йўлини белгилаб турувчи йиллар силсиласи бу оилга кўп синов берди. Баъзан қувонч, баъзан маҳзун кунлар оила кўрғонини янада мустаҳкамлади, бири-бирига ишончини оширди.

ЯХШИЛАР МЕҲРИДАН КУЧ ОЛИБ...



Матонат

— Мана бу бизнинг “инкубаторимиз”, — дея аёл ҳовли сатҳидаги чоғроқ, қўлбола усулда қурилган иссиқхонани кўрсатади. — Ҳозирга қадар беш марта сархил сабзавот кўчатларини етиштирдик. Даромадимиз 30 миллион сўмдан ошди. Эҳтиёжимиздан ортан ниҳолларни кўни-қўшинларга берамиз, бозорга олиб чиқамиз... Асли Олтириқнинг Эски араб қишлоғидан келин бўлиб тушганман. Уша кезлари бу томорқаларда фақат чорва учун озукабоб экин етиштириб, бир марта ҳосил олинган. Отам ушга томорқачи бўлган. Ҳайҳотдек ерни беша томорқачи бўлган. Ҳайҳотдек ерни беша қолдиришдан хижолат бўлиб иссиқхонада бодринг, сабзавот етиштириш бошлаганимда уйдагилар “Қийналиб қоласан”, деб аввалига рўйхушлик бермаган. Кейинчалик меҳнатни, интилишимни кўриб, қўллаб-қувватлашди, дуо қилишди. У пайтлари ҳозиргидек шароит, имконият йўқ эди. Ерга турли кўчат экиб, ярим метрча бандликда плёнка билан қоплаб парвартишлардик. Бугун ҳаммаси ўзгариб кетди. Илтиёзли кудун ҳиссибига 4 сотих иссиқхона қуриб берилди. Айни кунда етилган бодрингни

“ОДИЙ, КАМТАР, КАМСУҚУМ ОИЛАНING ҲАЁТ ТАРЗИ КўПЛАР УЧУН ИБРАТЛИ. ХОНАДОН АЪЗОЛАРИ ЎЗИ ИСТАГАНДЕК ЯШАЁТГАНИДАН, ОИЛАСИ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚўШАЁТГАНИДАН МАМНУН.

нимада уйдагилар “Қийналиб қоласан”, деб аввалига рўйхушлик бермаган. Кейинчалик меҳнатни, интилишимни кўриб, қўллаб-қувватлашди, дуо қилишди. У пайтлари ҳозиргидек шароит, имконият йўқ эди. Ерга турли кўчат экиб, ярим метрча бандликда плёнка билан қоплаб парвартишлардик. Бугун ҳаммаси ўзгариб кетди. Илтиёзли кудун ҳиссибига 4 сотих иссиқхона қуриб берилди. Айни кунда етилган бодрингни

бозорга чиқарамиз. Минг тупдан ортиқ қарам, саримсоқлиёз ўсиб, баравж ривожланипти. Ҳосилни териб олган, қалампир экани. Буларнинг барчаси тинчлик-тотулик, ҳамжиҳатлик маъсули. Оиламизда бекор юрган одам, бўш қолган жой йўқ ҳисоби.

— Шунча куч-ғайратни қаердан оласиз, толиқиб қолмайсизми? — деб сўраймиз опадан.

— Жисмоний имкониятим чекланган бўлса ҳам бошқалардан ортада қолмасликка ҳаракат қилганман, интиланман, изланганман. Шу тариха оғриқ, қийинчилик, камситишларни унуттишга ҳаракат қилганман. Бўш қолдим дегунча, томорқа юмушлари билан андармон бўлман. Турмуш ўртотгим гапир олмайди, аммо фарзандларим доим бизга таянч. Бир иш бошласан, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарамиз. Утган йили икки ўғлимга имконияти чекланган шахс сифатида имтиёзли тарзда 20 сотих экин майдони ажратиб берилди. Бу ерга сабзавот экиб, даромад олаёмиз. Меҳнатдан топган даромадимиз рўзгоримизга жуда асқатади. Бировдан кам жойимиз йўқ. Бир ўғлим Нурдиндин ҳарбий хизматчи, иккинчиси мактабда информатика фанидан дарс беради. Қизимиз ҳам уйли-жойли бўлиб кетган. Ун нафар набирамиз бор. Битта оила учун бундан ортиқ яна нима керак?! Уларнинг қувончини кўрсак, чарчоқни, ногиронлигимизни ҳам унутамиз. Утган мавсумда рўзгор кам-кўстидан ортириб, моторолер ҳам сотиб олдик. Насиб бўлса, бу йил автомашина харид қилишни кўзлаб турибмиз. Кейин Тошкент, Самарқанд, Бухорога

— Ҳаммаси учун халқимиздан миннатдорман, — дейди Рўзихон опа. — Маҳалламизга ҳоким ёрдамчиси келган, ҳаётимизда ўзига хос ўзгариш, ривожланишлар содир бўлди. Утган йили имтиёзли кредит ҳисобидан гунажин сотиб олгандик. Яқинда бузоқлайди. 50 дан ортиқ паррандамиз бор. Ҳар куни 25-30 та тухум териб оламан. Маҳалламизда асфальтланмаган кўча, сув етиб бормаган хонадон қолмади. Электр тармоқлари янгиланди, суялтирилган газ, кўмир таъминотида узилиш йўқ. Бунинг учун шўкр қилишимиз керак.

Бундай инсонларнинг меҳнатсеварлиги, ҳамма нарсага некинлик билан қараш хонадонга ўзгача фойда, кўтаринки кайфият бағишлаб турганини яққол ҳис этасиз.


саёҳат қилсак, дейман-да. Айтишадик-ку, “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”. Ҳозирги шароитлар менга куч-ғайрат беради. Ёшлигимда кўрган кунларимни бугунги ширин ҳаётга қисқаб бўлмайди ахир. Бу юртда яшашнинг ўзи катта бахт. Ҳали режаларим кўп.

Одий, камтар, камсуқум оиланинг ҳаёт тарзи кўплар учун ибратли. Хонадон аъзолари ўзи истагандек яшаётганидан, оиласи раванқига ҳисса қўшаётганидан мамнун. Айримлар тан-жони соғ, тўрт мучаси бут бўлишига қарамай, йиртиқни ямашга ҳам эринади. Аҳволини пеш қилиб, мутасадди идоралар эшигидан бери келмайди. Рўзихон опа бундай ишларга одатланмаган. Ҳаётга ҳаммиша умид билан боқадилар, фақат олға интиладилар. Бу саъй-ҳаракатлар унинг ҳаёт мактабидида ўз ўрнини топиши, бир оиланинг муносиб бекаси бўлишига ёрдам берди.

— Ҳаммаси учун халқимиздан миннатдорман, — дейди Рўзихон опа. — Маҳалламизга ҳоким ёрдамчиси келган, ҳаётимизда ўзига хос ўзгариш, ривожланишлар содир бўлди. Утган йили имтиёзли кредит ҳисобидан гунажин сотиб олгандик. Яқинда бузоқлайди. 50 дан ортиқ паррандамиз бор. Ҳар куни 25-30 та тухум териб оламан. Маҳалламизда асфальтланмаган кўча, сув етиб бормаган хонадон қолмади. Электр тармоқлари янгиланди, суялтирилган газ, кўмир таъминотида узилиш йўқ. Бунинг учун шўкр қилишимиз керак.

Бундай инсонларнинг меҳнатсеварлиги, ҳамма нарсага некинлик билан қараш хонадонга ўзгача фойда, кўтаринки кайфият бағишлаб турганини яққол ҳис этасиз.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
30821 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 02:35 Топширилди — 03:05